(1831, Кўкон – 1884, Каррух, Афгонистон)
(1845-1858; 1862-1863; 1865-1875)

Минглар сулоласига мансуб бўлган Кўкон хони (1845-1875- танаффуслар билан). Шералихоннинг ўгли. Кайнотаси Мусулмонкул томонидан тахтга ўтказилган. Аммо ёш бўлганлиги туфайли амалда давлат ишларини Мусулмонкул бошкариб борган. Энг мухим лавозимлар кипчоклар кўлига ўтади ва улар хохлаганича бебошликлар кила бошлаганлар. Натижада ички курш кучайиб, 1853-йилда кипчоклар киргини бошланган. Бунинг окибатида 20 мингга якин кипчоклар ўлдирилган, Мусулмонкул эса Кўконда дорга осилган. Шу йилдан Худоёрхон давлатни мустакил идора кила бошлаган. Аммо, тажрибасизлиги туфайли кўп хатоларга йўл кўйган. Бундан фойдаланган акаси Маллабек тахт учун курашни бошлаб юбориб 1858-йилда ўзини Кўкон хони деб эълон килган. Худоёрхон Бухорога кочишга мажбур бўлган. 1863-йилда Бухоро амири Музаффар ёрдамида Кўкон тахтига кайта ўтирган. Аммо Мусулмонкулнинг ўгли мингбоши алимкул хонзодалардан бўлмиш ёш Саид Султонмуродни хон деб эълон килади ва Худоёрхонни яна Бухорога коххишга мажбур этган. Алимкул амир ул-умаро бўлиб амалда давлат ишларини якка ўзи бошкариб борган.
Кўкон хонлигидаги ички курашлардан фойдаланган Россия империяси хонликка тегишли Туркистон, Чимкент (1864-й) ва Тошкентни (1865-й.) босиб олган. 1865-йилда Кўкон тахтига Худойкул («Белбокчихон» деган лакаби хам мавжуд) ўтирган. Аммо у 14 кундан сўнг хазинани ўзи билан олиб Кашкарга кочиб кетган. Бундан фойдаланган Худоёрхон яна тахтга чиккан.
Худоёрхон даврида кишлок хўжалигига эътибор берилган, янги анхор ва ариклар казилган. Кўконда 1873-йилда хон ўрдаси битказилиб нихоясига етказилган. Бундан ташкари, Худоёрхон даврида “Мадрасаи Олий”, “Мадрасаи Хоким ойим”, “Мадрасаи Султон Муродбек”лар курилган. Худоёрхоннинг фармони билан махзун (Зиёвуддин Хўкандий) 1696 сахифалик “Шохнома” асарини ёзган (кўлёзма Истамбулда сакланмокда). Худоёрхон даврида хонлик худуди анча кискариб, турли соликлар ўйлаб чикилган. Бунинг устига 1868-йилги Туркистон генерал-губернатори К.П.Кауфман билан тузилган “тенг хукукли” шартномага мувофик, рус савдогарларига хонликнинг хамма шахар ва кишлокларида бўлиш ва карвонсаройлар куриш, рус товарларини хонлик худуи оркали бошка давлатларга бож тўламасдан бемалол олиб ўтиш хукуки берилган; рус савдогарлари кўконлик савдогарлар билан бир микдорда бож тўлайдиган бўлган. Худоёрхон Туркия ва Бухоро билан яхши алокага бўлишга, англия эмиссарлари билан учрашиб, улардан мадад олишга интилган. Аммо, юзага келган сиёсий вазият туфайли у К.П. Кауфман билан кўпрок якинлашишга мажбур бўлган.
Тахт учун курашлар, ўзаро урушлар, соликларнинг кўпайиб кетиши ахоли турмушини огирлаштирган. Натижада хонликда тез-тез кўзголонлар бўлиб турган. Шулардан энг каттаси 1873-йилда бошланган “Пўлатхон кўзголони” бўлган. Кўзголонни бостиришнинг иложини топа олмаган Худоёрхон, барча хазинани олиб К.П.Кауфмандан харбий ёрдам олиш учун Тошкентга кочган, сўнгра Оренбургга сургун килинган. У бу ердан кочиб Маккага борган. Кейинчалик, Кўкон хонлигининг колган худудларини хам Россия босиб

олганидан сўнг, Худоёрхон К.П. Кауфманга расман мурожат килиб сиёсий ишларга аралашмасликни ваъда килиб Кўконга кайтишга рухсат сўраган, аммо рад жавобини олган. Худоёрхон иккинчи марта мурожат килган. Бу ариза сенатда кўриб чикилиб Худоёрхонга Кўконга кайтишга рухсат берилган. Аммо бундан хабарсиз Худоёрхон яширин холда Кўконга кайтмокчи бўлган. Йўлда вафот этган.